



# БАЙРОҚ ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ



**БАЙРОҚ** – 1) таёқ, сим ва бошқаларга маҳкамланган муайян ранг ва ўлчамдаги мато. Ўрта асрларда туркий халклар орасида у *туз деб* аталган (*Ҳарбий байрок*). Ўрта асрларда Ғарбий Европа шаҳарларида табақа, уюшма ва корхона ўз байроғига эга бўлган; 2) давлатнинг расмий рамзи.

**Асосий Қонунимизнинг 5-моддасида** «Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари-байроғи, герби ва мадҳиясига эга деб кўрсатилган.

**Давлатимиз рамзлари - байроқ, тамға, мадҳия** Ўзбекистон халқининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш - ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир.

**“Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган.** Ўзбекистоннинг давлат байроғи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республиканинг бугунги табиатига мувофиқ келадиган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини ҳам акс эттиради.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГЕРБИ

1992 йилнинг 2 июлида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган.



Гербимиз марказида қанотларини кенг ёйиб турган хумо қуши тасвирланган. Бу бахт-саодат ва эрксеварлик рамзидир. **Хумо қуши** ўзбек халқи орасида одамларни бахт-саодатга етказувчи илоҳий қушнинг рамзи сифатида эъзозланиб келган.


Гербнинг юқори қисмида Ўзбекистоннинг собиқ ва барқарорлиги рамзи бўлган **8 қиррали юлдуз** тасвирланган бўлиб, унинг ичида ярим ой ва 5 қиррали юлдуз ифодаланган.

**Қуёш тасвири** - ўзбек давлати ва халқининг ҳаёт йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган эзгу ниятдир. Бундан ташқари, қуёш мамлакатимиздаги ниҳоятда гўзал, табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб туради.

**Гербдаги бошқа тасвирлар ризқ** - рўзимиз бўлмиш ғалланинг тимсоли, оппоқ бўлиб очилаётган пахта чаноқлари давлат байроғига ўхшаган лента билан ўраб қўйилган - бу мамлакатимизда яшаётган халқлар якдиллигининг тимсолидир.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ



**1992 йилнинг 10 декабрида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир.

Давлат мадҳиясининг шеърини **Абдулла Орипов** ёзган, муסיқасини эса таниқли санъат арбоби **Мутал Бурхонов** басталаган.

**Мутал Бурҳонов мусиқаси**  
**Абдулла Орипов сўзи**

Серқуёш ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!  
Яшнагай то абад илму фан, ижод,  
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Олтин бу водийлар - жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!  
Истиқлол машъали тинчлик посбони,  
Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Олтин бу водийлар - жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

# **БАЙРОҒИМИЗ – ФАХРУ ҒУРУРИМИЗ**



**18 ноябрь – Ўзбекистон Республикасининг “Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган кун**



Яқинда давлатимиз суверенитетининг рамзларидан бири – мустақил Ўзбекистон Республикасининг “Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуни қабул қилинганлигига 28 йил тўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги навбатдан ташқари VII сессиясида тасдиқланган Давлат байроғи – мамлакат давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланиб, у ер юзининг шу сарҳадларида мустақил Ўзбекистон давлати борлигини англатади ва ўзида миллий-маданий анъаналаримизни мужассамлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади.

Байроғимиз ўзида бутун Ўзбекистон халқининг асрий орзу-истаклари, ғайрати ва шижоатини, халқимизга хос меҳмондўстликни мужассам этган. Миллий байроғимизнинг давлат идора ва муассасалари, ўқув юртлари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз пештоқида ҳилпираб туриши, турли байрам ва тантаналарда, мамлакатимиз вакиллари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурурини ёрқин акс эттириши барчамизга ифтихор бахш этади. Масалан, халқаро спорт беллашувларида ғалаба қозонган спортчиларимиз шарафига юртимиз байроғи баланд кўтарилган лаҳзада ҳар биримиз чексиз ҳаяжонга тушамиз, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ҳис қиламиз.

Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг мустақиллигини ифодаловчи муқаддас белгидир. Республикамиз давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, тинч ва осойишта, озод ва эркин ҳаётимиз, ёруғ келажагимизга бўлган ишончимиз ифодасидир. Республикамиз давлат байроғидаги рамзлар Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқликни ҳамда юртимиз ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг анъаналарини ўзида мужассамлаштирган.

**Давлат рамзлари ҳамиша муқаддас ва улуғ саналади. Чунки у халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида мужассам этган Ватаннинг ёрқин тимсолидир.**

Ҳақиқатдан ҳам, ҳаётимизда рамз ва тимсолларнинг ўрни катта. Зеро, миллий рамзлар орномус, шон-шараф саналган. Шайх Нажмиддин Кубронинг жасоратини тарихдан яхши биламиз. Ҳамон бу буюк қаҳрамонлик тилдан тушмайди, ҳанузгача халқимизни ватанпарварликка, қаҳрамонликка чорлайди. Юрт байроғини ёв қўлига топширишни истамаган Нажмиддин Кубро уни қўлида маҳкам тутганча жон берган эди. Душман ҳарчанд уринмасин, унинг қўлидан байроқни тортиб ололмай, охири панжалари билан кесиб олади. Туғини жонидан ортиқ асраган Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темур Малик, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби ўнлаб саркардалар ҳаёти ҳам бугун авлодларимизга катта ибрат. Аслида Ватан байроғини кўзга суртиш, уни тўтиё қилиш Ватанни севиш, унинг учун жонини фидо қилишга тайёр бўлиш деганидир.

Мустақил давлатимиз байроғи тинч ва осойишта, озод ҳамда эркин ҳаётимиз, ёруғ келажагимизга бўлган ишончимиз тимсолидир. Давлат рамзларининг муқаддаслигини, улар бизга юрт манфаати ҳар недан устунлигини англатиб, эслатиб туришини ҳар биримиз ёдда тутишимиз шарт.

Байроғимизнинг баландлиги юртимизнинг обрў-нуфузи юксаклигидан далолатдир. Шундай экан, сарбаланд қаддимиз ва қадримиз тимсолини ҳамиша эъзозлайлик ва бошимиз узра баланд кўтарайлик!

# ДАВЛАТ БАЙРОҚЛАРИДА ЯШИРИНГАН МАЪНОЛАР


Мамлакат байроғи бу оддийгина тимсол эмас, балки бутун бир мафкура ҳисобланади. Улар мамлакатнинг тарихи ва мафкураси ҳақида айтиб туради. Кўпчилик байроқларга жойланган маънони тушинмайди. Қуйидаги ўн мамлакат байроқларидаги маъноларни мисол сифатида кўришингиз мумкин.

## Хитой



Хитойнинг қизил байроғи коммунистик революцияни англатади. Тилла юлдузлар коммунизмнинг бирламчи тизимини акс эттиради. Тўртта кичик юлдузлар эса мамлакатда турли хил ижтимоий қатламлар мавжудлигини билдиради.

## Ботсвана



Бу байроқ қора марказ, оқ рангдаги икки чизиқ, тепа ва пастки қисмдаги ёрқин кўк рангли чизиқдан иборат. Қора ва оқ ранг уйғунлик, кўк ранг эса мамлакатнинг сувга қарамлилигини билдиради.

## Бирлашган Араб амирликлари (БАА)



БАА байроғига 1971 йилда асос солинган бўлиб, ундаги оқ ранг тинчлик ва ҳалолликни англатади, қора эса душманларни кўрқитиш мақсадида, қизил ранг эса жасорат ва баҳодирлик, яшил ранг эса умид ва оптимистликни билдиради.

## Бразилия



Бразилия байроғидаги 27 юлдуз мамлакат штатларини акс эттиради ва тунги осмонда юлдузлар қай тариқа жойлашган бўлса, айнан шундай схемада тузилган. Яшил ранг ўрмонни, сариқ мамлакат олмос заҳираларини англатади.

## Ҳиндистон



Ҳиндистон байроғининг ранги ҳинд дини турфа хиллигини англатади. Оловранг жасорат тимсоли бўлиб, ҳиндлар ва буддистлар учун муҳим ранг саналади. Оқ поклик, яшилранг эса иймон ва унумдорлик рамзи саналади. Марказдаги айлана қадимий Ашока Чакра тимсоли бўлиб, у Қонун ғилдираги деб ҳам номланади.

## Ливан



Ливан байроғи тепа ва пастки қисмда икки қизил чизиққа эга бўлиб, улар озодлик учун тўкилган қонни англатади. Оқ ранг тинчлик ва тоғ чўққиларидаги қорни, яшил кедр дарахти эса абадий ҳаёт рамзини билдиради.


## Шимолий Корея



Шимолий Корея байроғида қизил ранг ва юлдуз давлат мафкурасини англатади. Оқ чизиқлар покликни билдиради, ҳаворанг чизиқлар эса тинчлик рамзи ҳисобланади.



## Австралия




Австралияда 1901 йили давлат байроғи яратилганида мамлакат Британия империяси таркибига киришини англатиш учун Юнион Жек қўшилган. Кўк фон мустамлака халқлар байроқларининг умумий мавзуси саналади. Олти қиррали юлдузлар Австралиядаги олтита штатни акс эттиради.

## Жанубий Африка



1994 йил мамлакатда демократия ўрнатилганидан сўнг янги давлат бирлиги ва хилма-хиллигини ифодаловчи байроқ яратиш ҳақида қарор қабул қилинди. Байроқ ўзида Африк миллий конгресси ранглари (сарик, яшил ва қора) билан Юнион Жек гибридини акс эттиради.

## Буюк Британия



Иттифоқ байроғи, шунингдек, Юнион Жек деб танилган давлат рамзи учта байроқни ўзида мужассамлаштирган — Англиянинг Авлиё Жорж хочи, Шотландиянинг Авлиё Андрей хочи ва Ирландиянинг Авлиё Патрик хочи.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ  
УЧУН РАХМАТ!**

**Тузувчи: Б.М.Қандов.**